

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 73-ҳадис

73 – وَعَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «الْمُؤَدِّتُونَ أَطْوَلُ النَّاسِ أَعْنَاقًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Муовия розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламни:

**«Муаззинлар қиёмат куни бўйни энг узун одамлар бўлурлар»,** деганларини эшитдим».

Имом Муслим ривоятлари.

**Шарҳ:** Азон- Ислom шиорларидан биридир. Муаззин хайр, салоҳият ва нажот ишига тўплаш учун нидо қилиб, азон айтади. Улар яхшиликка далолат қилувчилардир. Шунинг учун мукофот ҳам амалнинг миқдорича берилиб, муаззинлар Қиёмат кунида энг яхши мукофотга мушарраф бўлурлар.

### Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муаззинлар Қиёмат куни бошқалардан ажралиб турадилар.
2. Азон фазилатли амаллардан бўлиб, мусулмон киши уни ўрганиб қўйиши фойдали ишдир.
3. Мусулмон бола ҳам Қиёматда катта ютуққа эга бўлиш учун азон айтишни ўрганиб олиб, машқ қилиб туриши лозим.
4. Агар одамлар азоннинг савобини билишганида, (савобига эга бўлиб қолиш учун) қуръа ташлаб бўлса ҳам, уни айтишга ошиқардилар.



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI